

«Тасдиқлайман»
"Тўракўрғон ИЭС қуриш
дирекцияси" УК
бош директори
Б.К. Собиров



2022 й.

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Тўракўрғон тумани – 2022 й.

Мундарижа

1. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА.....	3
1. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БОШЛАНГИЧ НАРХ	3
2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИСИ	3
3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ.....	3
4. ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ.....	4
5. ТАКЛИФ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ	4
6. ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ	4
7. ТАКЛИФЛАРНИ МЕЗОНЛАР АСОСИДА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ	5
8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИККА РИОЯ ҚИЛИНИШИ	6
9. БОШҚА ШАРТЛАР	6
10. ШАРТНОМА ТУЗИШ.....	6
<i>Иштирокчилар ва танлаш таклифларини малака баҳолаши тартиби ва мезонлари.</i>	7
2. НАРХ ҚИСМИ.....	8

1. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу харид қилиш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат ҳаридлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонуни (бундан буён – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори иловасининг «Давлат ҳаридларини амалга ошириш билан боғлик тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган..

1. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БОШЛАНГИЧ НАРХ

1.1. Танлаш предмети:

1. Танлов предмети: «Тўракўрғон ИЭС ҳодимлари учун соғломлаштириш мажмуаси қурилиши (Тўракўрғон ИЭС ёрдамчи маъмурӣ биносида реконструкция ишлари) бўйича лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш хизмат кўрсатиши.

1.2. Бошлангич нарх: : 400 000 000 сум (тўрт юз миллион) ҚҚС билан сўм ҚҚС билан. Таклифда кўрсатилган нархлар бошлангич нархидан ошмаслиги керак.

1.3. Харид қилинадиган товарлар (хизматлар, ишлар) учун техник топшириқ танлаш хужжатининг техник қисмида келтирилган.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИСИ

2.1. Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан буён – Танлаш)

Буюртмачиси «Тўракўрғон ИЭС қуриш дирекцияси» УК (бундан буён – Буюртмачи) ҳисобланади. Буюртмачининг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти Тўракўрғон тумани Яндама Қ.Ф.Й Гулистон МФИ Факс: (0-369) 442-50-01 «Тўракўрғон ИЭС қуриш дирекцияси» УК.

2.2. Ишчи орган: «Тўракўрғон ИЭС қуриш дирекцияси» УК харид комиссияси қўйидаги манзилда жойлашган: 160720, Республика Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Тўракўрғон тумани Яндама Қ.Ф.Й Гулистон МФИ Факс: (0-369) 442-50-01

2.3. Шартнома эгаси: «Тўракўрғон ИЭС қуриш дирекцияси» УК

2.4. Танлаш, «Тўракўрғон ИЭС қуриш дирекцияси» УК томонидан ташкил қилинган харид комиссиясининг энг камида беш аъзоси билан ўтказлади.

3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлашда Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахслар, ушбу хужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш хужжатларининг 3.2-бандида санаб ўтилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин.

3.2. Кўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун руҳсат берилмайди:

- зарур хужжатларни белгилangan муддатда тақдим этмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
- инсофиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;

- харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака хужжатларини тақдим этган.

3.3. Мажбурий хужжатлардан ташқари, иштирокчи ўзининг молиявий ахволи, обўси, иш тажрибаси ва бошқаларни акс этирувчи қўшимча маълумот хужжатларини тақдим этиш хуқуқига эга. Қўшимча хужжатларни тақдим этмаслик иштирокчини дисквалификация қилиш учун сабаб бўлиши мумкин эмас.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли:

- иштирокчи давлат ҳаридлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш

тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматдаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдириса;

- иштирокчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

4. ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

4.1. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи:

-www.etender.uzex.uz махсус ахборот порталида жойлаштирилган энг яхши таклифларни танлаш талаблари билан танишиш учун харид ҳужжатлари юклаб олиши керак; -қонунчилик ва харид қилиш ҳужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт;

4.2. Порталда эълон қилинган энг яхши таклифни танлашда иштирокчилар ўз таклифларини белгиланган тартибда юклайдилар.

4.3. Таклиф ва у билан боғлик бўлган иштирокчи ва Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча ёзишмалар ва ҳужжатлар, давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда бўлиши керак. Таклиф унга рус ёки ўзбек тилидаги таржимаси илова қилинган ҳолда бошқа тилда бўлиши мумкин. Таклиф матнида номувофиқликлар юзага келганда, бирдан ортиқ тил ишлатилганда, ўзбек ёки рус тиллари устунлик қиласи. Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига рухсат берилади.

4.4. Таклиф электрон шаклда тақдим этилади (рангли шаклда иштирокчининг имзоси ва муҳри билан).

4.5. Таклифлар аукцион бошланган кундан бошлаб www.etender.uzex.uz порталда кўрсатилган санагача электрон шаклда тақдим этилади

4.6. Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари таклифининг амал қилиш муддати таклифлар тақдим этилган кундан бошлаб камидан 30 кун бўлиши керак.

5. ТАКЛИФ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига ўз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

5.2. Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталида жойлаштирилади ва зарур ҳолларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

6. ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

6.1. Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.2. Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камидан уч иш кунига узайтирилади.

6.3. Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.4. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7. ТАКЛИФЛАРНИ МЕЗОНЛАР АСОСИДА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

7.1. Эълонда танлов ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақт, энг яхши таклифни танлашда харид комиссияси иштирокчилар томонидан тақдим этилган таклифларни юклаб олиш ва кўриб чиқиш учун.

7.2. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар тақдим этишнинг охирги муддати тугаган кундан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

7.3. Таклифлар кўриб чиқиш вақтида баърча хужжатларнинг мавжудлиги, намуналар ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Талаб қилинган хужжатлар бўлмаган тақдирда, танлаш бўйича харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолашга йўл қўймасликка хақли.

7.4. Харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида, қуйидагича баҳолайди:

- Иштирокчи ҳақида умумий маълумот – Тўлиқ маълумот тақдим қилган – 15 балл; 1-2 та маълумот тақдим қилинмаган – 10 балл; 3-4 та маълумот тақдим қилинмаган – 5 балл; Кам ва қониқарсиз маълумот тақдим қилган – 1 балл; Маълумот тақдим қилмаган – четлатилади.

- Иштирокчининг молиявий ҳолати, ҳисоботлари яхши – 10 балл; ҳисобот қониқарли – 5 балл; Корхона заарар билан ҳисобот топширган, ҳисобот қониқарсиз – 1 балл; Маълумот тақдим қилмаган – четлатилади.

- Антикоррупцион ариза – Тақдим қилинган – 5 балл; Маълумот тақдим қилмаган – четлатилади.

- Тавсиянома – Талаб қилинган маълумот тўлиқ тақдим қилинган – 5 балл; Талаб қилинган маълумотни 50% тақдим қилинган – 3 балл; Қониқарсиз маълумот тақдим қилинган – 1 балл; Маълумот тақдим қилмаган – четлатилади.

Бажарилган ишлар тўғрисида маълумот – 5 ва ундан ортиқ тажриба тўғрисида маълумот тақдим қилинган – 15 балл; 3-4 та тажриба тўғрисида маълумот тақдим қилинган – 10 балл; 1-2 та тажриба тўғрисида маълумот тақдим қилинган – 5 балл; Ўхшамаган тажриба ва қониқарсиз маълумот тақдим қилган – 1 балл; Маълумот тақдим қилмаган – четлатилади.

- Малақали мутахассислар ҳақида маълумот – Шу соҳадаги баърча мутахассисларнинг тажрибаси 10 йил ва ундан юқори – 15 балл; Шу соҳадаги 50% мутахассисларнинг тажрибаси 10 йил ва ундан юқори – 10 балл; Шу соҳадаги 50% мутахассисларнинг тажрибаси 5 йилдан 10 йилгacha - 5 балл; Шу соҳадаги мутахассисларнинг тажрибаси 1 йилдан 5 йилгacha – 1 балл; Маълумот тақдим қилмаган – четлатилади.

- Ишни бажариш муддати – Талаб қилинган муддатдан қисқа муддат кўрсатган иштирокчи – максимал 10 балл олиш имкони бўлади. Бунда баллни электрон тизим аниқлади; Талаб қилинган муддат ва ундан узоқ муддат кўрсатган – автоматик тарзда тизим томонидан четлатилади.

- Солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги – Хужжатлар топширилиш кунига қадар 10 календарь кундан эрта бўлмаган муддатда Солик қўмитаси томонидан расмийлаштирилган солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар мавжуд эмаслиги ҳолатини тасдиқловчи хужжат тақдим қилган – максимал 10 балл олиш имкони бўлади. Бунда баллни электрон тизим аниқлади; Қарздорлиги мавжуд, 10 календарь кундан эрта бўлган, ёлғон маълумот ёки ихтиёрий кўринишдаги хат тақдим қилган – автоматик тарзда тизим томонидан четлатилади.

-Техник топшириқда кўрсатилган ишларни бажариш учун зарур бўлган маҳсус қурилмалар, асбоблар ва жиҳозлар мавжудлигини тасдиқлаш ҳужжатлари ишларни тўлиқ бажарилиши учун керакли асбоб ускуналари 100% замонавий ва етарли бўлган тақдирда 15 балл, асбоб ускуналари етарли лекин 50% ортиқ қисми эскирган 10 балл, керакли ускуналарни баъзилари корхана балансида мавжуд эмас лекин ижара шартномаси мавжуд 5 балл, ускуналар етарли эмас 0 балл

7.5. Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақлидир.

7.6. Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш мезонлари мазкур танлаш ҳужжатида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади (2-илова).

7.7. Таклиф амалдаги Қонун ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, тўғри расмийлаштирилган деб тан олинади.

7.8. Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги қонунда белгиланган талабларга ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.

7.9. Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлов иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳақида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.

7.10. Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари маҳсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада ҳисобланади.

7.11. Харид қилиш ҳужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

7.12. Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни кўриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳуқуқига эга.

7.13. Хорижий ва маҳаллий Танлов иштирокчилари нархларини тўғри таққослаш учун баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (соликлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинади. Бундан ташқари, агар бошланғич нархи хорижий валютада кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (соликлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинган ҳолда ҳам қайта ҳисоблаб чиқилади.

7.14. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.

7.15. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма имзоланган кундан уч иш кунида маҳсус ахборот порталига жойлаштирилади.

7.16. Танловнинг хар қандай иштирокчisi таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан кейин буюртмачига танлов натижаларини аниқлаштириш учун сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўровни олган кунудан бошлаб уч иш куни ичida танлов иштирокчisiga тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИККА РИОЯ ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қўйидагилар жавобгар бўладилар:

- ишчи орган таркибиغا кирувчи таклифларнинг ҳисобини юритувчи, уларнинг сақланиши ва маҳфийлигини таъминловчи шахслар;
- маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчilar, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган эксперtlar билан тил бириктиришга йўл қўйиш, шунингдек бошқа қонунга хилоф харакатлар қилиш учун комиссия раиси ва аъзолари, ҳамда, таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гурух аъзолари,;
- танлов ғолиби, шартнома бўйича мажбуриятларини (микдорий, сифат ва техник кўрсатгичлар бўйича) бажармаган шахс Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлariiga ва/ёки тузилган шартнома шартлariiga мувофиқ жавобгар бўлади

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Агар танлашда аввал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатилмаган хизмат такиғ қилинаётган бўлса, Харид комиссияси танлаш иштирокчisidan илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.

9.2. Танлашда иштирок этиши истагини билдирган иштирокчilar, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш ҳуқуқига эга.

9.3. Танлаш иштирокчиси танлаш бўйича харид қилиш хужжатларидағи талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очик электрон чат орқали сўров юборишига ҳакли. Давлат буюртмачиси сўров тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида ушбу сўровга очик электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт. Танлаш бўйича харид қилиш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

9.4. Танлаш куйидаги ҳолларда харид комиссияси томонидан ҳакиқий эмас деб топилиши мумкин:

- танлаща битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.

9.5. Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танлашни бекор қилиш хукуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини маҳсус ахборот порталда эълон қиласди.

10. ШАРТНОМА ТУЗИШ

10.1. Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш хужжатларида кўрсатилган шартнома шартлари асосида тузилади.

10.2. Танлов бўйича харид комиссиясининг қарори билан танлов ғолиби деб эълон қилинган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабар олади.

10.3. Агар танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш хукуки захира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, захира ижрочи танлаш ғолиби томонидан тақлиф қилинган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

2-сонли илова

Иштирокчиларни малакасини баҳолаш тартиби ва мезонлари ва танлов таклифлари

Танлаш иштирокчиларини баҳолаш мезонлари

№	Мезонлар	Категория оғирлиги %	Категория оғирлиги %
1.	Техник баҳолаш	70%	100%
	1.1 Иштирокчи ҳақида умумий маълумот; (<i>Иштирокчи юридик манзили, банк реквизитлари, асосий фаолият турни, таъсисчилар ва Бенефициарлар тўгрисида (таъсисчилар ва бенефициарларнинг тўлиқ номи ва СТИР), устав нусхаси, корхона раҳбарининг паспорт нусхаси ҳақида маълумот берини керак. Маълумотлар тўлиқ топширган иштирокчи комиссия қарорига асосан юқори балл олиши мумкин ёки аксинча тўлиқ бўлмаган маълумот учун иштирокчи комиссия қарорига асосан юқори баллдан кам балл олиши мумкин. Маълумот тақдим қиласдан иштирокчи танлашдан четлатилади.</i>)		Минимал 0 балл Максимал 15 балл
	1.2 Иштирокчининг молиявий ҳолати; (<i>Иштирокчи 2020-2021 йиллар учун тасдиқланган (қабул қилинган) йиллик Ф1 ва Ф2 молиявий ҳисоботларини тақдим этиши керак. Комиссия, тақдим қилинган ҳисоботлар орқали иштирокчиларнинг молиявий барқарорлиги ва натижадорлиги бўйича баҳолайди.</i>)		Минимал 0 балл Максимал 10 балл
	1.3 Антикоррупцион ариза; (<i>Иштирокчи коррупцион ҳолатларга ва</i>		Минимал 0 балл Максимал 5 балл

		<p>ҳаракатларга йўл қўймаслик, уни олдини олиши тўғрисида ариза тақдим этиши керак. Ариза тақдим қилмаган иштирокчи танлашидан четлатилади).</p>		
	1.4	<p>Тавсиянома; (Иштирокчи камидаги 2 та аввалги буюртмачилардан тавсиянома тақдим қилишини керак. Тақдим қилмаган иштирокчи танлашидан четлатилади.)</p>		Минимал 0 балл Максимал 5 балл
	1.5	<p>Иш тажрибаси; (бажарилган ишлар тўғрисида маълумот)</p>		Минимал 0 балл Максимал 15 балл
	1.6	<p>Малакали мутахассислар ҳақида маълумот; (Иштирокчи шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга оширган мутахассислар тўғрисида маълумотнома, уларнинг портфолиолари, шу соҳадаги тажрибалари тўғрисида маълумотнома тақдим этишини керак. Комиссия тақдим қилинган маълумотлар орқали мутахассисларнинг малакаси, билими ва тажрибалари инобатга олган ҳолда баҳолайди. Тақдим қилмаган иштирокчи танлашидан четлатилади)</p>		Минимал 0 балл Максимал 15 балл
	1.7	<p>Ишни бажариш муддати; (Ишни максимал бажарии муддати 30 кун. Иштирокчи мазкур лойиҳани амалга ошириши муддатини белгилашни керак. Баҳолаш автоматик тарзда, тизим томонидан амалга оширилади).</p>		Минимал 0 балл Максимал 10 балл
	1.8	<p>Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги; (Иштирокчи ҳужжатлар топширилиши кунига қадар 10 календарь кундан эрта бўлмаган муддатда расмийлаштирилган солиқлар ва біоджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар мавжуд эмаслиги ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этишини керак).</p>		Минимал 0 балл Максимал 10 балл
	1.9	<p>Техник топширикда кўрсатилган ишларни бажариш учун зарур бўлган маҳсус қурилмалар, асбоблар ва жиҳозлар мавжудлигини тасдиқлаш ҳужжатлари</p>		Минимал 0 балл Максимал 15 балл
2.	Нархларни баҳолаш		30%	100%

Эслатма: таклиф электрон шаклда тақдим этилади, асл ҳужжатдан сканерланади, иштирокчининг имзоси ва муҳри билан рангли форматда (таплов голиби шартнома билан асл ҳужжатларни олиб келишини керак)

2. НАРХ ҚИСМИ

1	Нархи	400 000 000 сум (тўрт юз миллион) КҶС
2	Молиялаштириш манбай	«Тўракўргон ИЭС куриш дирекцияси» УКнинг ўз маблағлари
3	Тўлов валютаси	Сўм, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси
4	Тўлов шартлари	Олдиндан тўлов – 15% Якуний тўлов – 85%
5	Танлаш таклифини амал қилиш муддати	30 кун

Киритилди:

КҚБ бошлиғи

Б.Умарзоқов

Келишилди:

Бош муҳандис

Ф.И.Тургунов

Бош директор ўринбосари:

И. Ахмадалиев

Бош муҳандис ўринбосари

А.Абдуллаев

Бош хисобчи

Л.Джемилева

Юрисконсульт

Б.Хидиров